

ИННОВАЦИЯ ТАДБИРКОРЛИК МУХИТИ**Хаджимуратов Абдуқаххор Абдумугалович**

Иқтисод фанлари доктори,

Фаргона жамоатчилик саломатлиги тиббиёт институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6528758>

Аннотация. Ушбу мақолада интеллектуал капиталга бевосита боғлиқ бўлган инновация тадбиркорлигининг моҳияти кўриб чиқилган. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳитининг инновация фирмаларининг илмий провард маҳсулот яратишидаги роли ва ўрни кўрсатилган.

Калит сўзлар: инновация, инноватор, тадбиркорлик муҳити, инновацион гоа, инсон капитали, инновацион маҳсулот.

КЛИМАТ ИННОВАЦИОННОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аннотация. В статье рассматривается суть инновационного предпринимательства, непосредственно связанной с интеллектуальным капиталом. При этом, указывается роль и место предпринимательского климата в создании новаторского научного продукта инновационных фирм.

Ключевые слова: инновация, инноватор, инновационный климат, инновационная идея, человеческий капитал, инновационный продукт.

CLIMATE OF INNOVATION ENTREPRENEURSHIP

Annotation. This article examines the essence of innovative entrepreneurship directly related to intellectual capital. At the same time, the role and place of innovative firms entrepreneurship climate in the creation of innovative scientific products are indicated.

Key words: innovation, innovator, innovative climate, innovation idee, intellectual capital, innovative product.

Кириш. Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаган, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади”[1].

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация - бу, келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [2.20б]. Бинобарин, бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг, аниқроғи тадбиркорлик фаолиятининг асосий локомотиви – бу, инновацион тадбиркорликдир.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, бугунги кунда, мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни янада ривожлантиришни қўллаб қувватлаш стратегик мақсад қилиб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион концепцияси” ишлаб чиқилган ва бунга биноан зарур бўлган тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш механизмлари ишлаб чиқилгандир. Бу - юртбошимизнинг ташаббуси билан белгиланган мамлакатимиз стратегиясининг 15 та йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда уни амалга ошириш борасида жадал чора-тадбирлар, ишлар олиб борилмоқда. Кўриниб турибдики бу мавзу бугунги кунда айнан долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Биз илмий тадқиқотларимизда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни ривожланиш стратегиясини белгилаб, бозор иқтисодиёти тамойилларини амалда жорий этиш бўйича, тадбиркорликни, хусусан инновацион тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарихий қарорларига назарий жиҳатдан асосландик. Булар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларида:- “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”[3], 08.09.2017 й. ;

- “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”[4], 29.11.2017 й.;

- “Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”[5]”, 21.09.2018 й.;

- Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июль кунги Олий таълим тизимидаги устивор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида юклатилган вазифалар[6]дир.

Бу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан биргаликда, илмий адабиётлардан С.М.Ибрагимова ва Р.Р.Хусаиновлар ҳаммуаллифликдаги “Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари”[7] мавзусидаги мақоласи эътиборга олинди ва ундаги инновацион тадбиркорликни истиқболлари ҳақидаги келтирилган фикрлар диққатга сазовордир.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада биз тадбиркорлик манбааларини тарихий, иқтисодий, мантиқий тамойиллари, детерминистик ёндошув ва дискурс таҳлил усулида кўриб чиқдик. Шунингдек, тадқиқотларни амалга оширишда илмий абстракция, тизимли таҳлил, статистик таққослаш каби илмий- тадқиқот усулларидан фойдаланилди

Таҳлил ва натижалар. Хўп, инновацион тадбиркорликнинг ўзи нима? Унга қисқача тариф бериб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Инновация (анг.

innovation) сўзининг маъноси - бевосита: - янгилик учун инвестиция киритиш, - яъни, фақатгина алоҳида олинган корхонадагина эмас, балки бутун тармоққа янги техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш учун сарфланган маблағлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда инновация - бу, ғояларни янги маҳсулотга, хизматларга, таълим дастурига, жараёнларга, тизимларга, ижтимоий ўзаро ҳамкорликка амалий мужассамлаштиришдир.

Инновацион тадбиркорлик - бу тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида бир кўриниши бўлиб, дастлабки фан янгиликларини тадқиқот қилиш ва сотиш билан шуғулланадиган илмий корхонанинг ўзига хос кўринишидир. Бу - тижорат мақсадида алоҳида корхонадагина эмас, балки бутун халқ хўжалиги миқёсида янги техника ва технологияларни, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш кўринишида юз беради.

Бинобарин, инновацион тадбиркорлик, - бу тижорат билан боғлиқ фаолиятнинг, ташкилий алоқаларнинг алоҳида ҳилма-ҳиллиги билан, функционал структурасининг ривожланганлиги ва мослашувчанлиги билан, кенг мослашиш имкониятлари ва венчур (таваккалчилик) капиталидан фойдаланиш билан тасвирланадиган муҳитдир.

Инновацион муҳит эса, инновацион жараён қатнашчиси ички ва ташқи муҳитларнинг (вазият, имкониятларнинг) бирикмасидир.

Бинобарин, инноватор - бу: Инновацион жараённинг бозорда янгиликнинг илгари сурилишлиги ва жорий қилинишини амалга оширадиган иштирокчисидир. Бошқача қилиб айтганда, инноватор - инновацион жараён бошланадиган янгиликларнинг муаллифидир. Булар: Кашфиёт, ихтиро, фойдали модель, лойиҳа ечими, ноу-хау, саноат намунаси, рационализаторлик таклифи ва б. У, бир вақтда янгиликдан тижорат мақсадларида фойдаланишнинг ташаббускори, яъни ғоя билан қизиқиб қолган ва уни инновацияга айлантириш учун таваккалчилик қилишга тайёр бўлган тадбиркор ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, инновацион тадбиркорлик фаолиятининг манбаи - интеллектуал капиталдир. Ўз навбатида, интеллектуал капитал ёки инсон капитали – алоҳида шахсга оид бўлиб, инновацион ғоянинг иждоқори ва худди шу жараёнда инновацион маҳсулот, янги хизмат турларини яратишнинг манбаидир. “Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳани ривожланиши мумкин эмас. Шу маънода, заҳматқаш, фидойи олимларимизни Худо берган одамлар, десак, хато бўлмайди. Уларни бошқалар билан тенг қилиш мумкин эмас. Бундай инсонлар мингтадан, миллионтадан битта туғилади. Уларни асраб авайлашимиз, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим” (3.85 б).

Шундай экан, бу масалада мамлакатимизнинг ҳозирги янги ижтимоий-иқтисодий тизимида, шаклланиб ва яхшиланиб бораётган тадбиркорлик муҳити жуда ҳам муҳимдир. Фалсафий жиҳатдан олиб қаралганда, бу ўз навбатида тадбиркорлик структураларининг кўзланган вақт мобайнида шаклланиши, амал қилиши ва янада ривожланиши учун асосий макон ҳисобланади.

Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини деярли ҳамма соҳалар бўйича, ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Булар, иқтисодий соҳада, сиёсий соҳада, ижтимоий соҳаларда ўз ифодасини топган. Бошқача қилиб айтганда, ватанимизда тинчлик, сиёсий барқарорлик ҳукм суриб, давлат томонидан тўғри ижтимоий, фискал халқчил сиёсат олиб борилиши туфайли, бугунги кундаги мўтадил тадбиркорлик муҳитини шаклланишига олиб келинди ва уни ҳар томонлама яхшиланиб боришига кенг имкониятлар берилмоқда.

Булардан маълумки, мамлакатимизда вилоятларда, туманларда, хаттоки қишлоқ ва чекка жойларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг шароитлар яратиб берилган. Қолаверса, аҳолининг актив қисмини, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг қўламда жалб қилиш

жараёни давом этмоқда. Хуллас, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай бўлган ижтимоий-иқтисодий мухит яратилган. Ваҳоланки, ватанимизда шундай тадбиркорлик мухити мавжуд экан, ундан оқилона фойдаланиб, тадбиркорлик структураларини жадал ривожлантирилиши инновацион тадбиркорликка узвий боғлиқдир.

Бинобарин, бугунги кунда инновацион тадбиркорликни ривожланиши қандай омилларга боғлиқ? Улар билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд? Уларнинг ечими қандай бўлиши мумкин? Бинобарин, бу саволларга қониқарли жавобнинг топилиши, бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ҳозирги даврдаги фан-техника тараққиёти қуйидаги хислатларни биринчи даражали режа қилиб олдинга сурмоқда. Бу - инновацион тадбиркорликнинг ахборот технологияси, интеллектуал мулк, ташкил этиш, илм-фан кадрларининг маълумоти ва классификацияси. Демак, инновацион тадбиркорлик, инновацион жамиятнинг реал ҳолатига боғлиқ бўлиб, инновацион жараёнлар стратегик бошқаришни тақозо этади.

Шунинг учун, билвосита ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида инновацион фаолиятга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ўтган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармонида мувофиқ таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг устивор йўналишларида алоҳида белгилаб ўтилганки, яъни “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослашган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш концепциясига кўра, уни амалга ошириш чора-тадбирларидан бири қилиб-интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек аҳоли, олимлар ва тадқиқотчилар орасида қуйидагилар орқали тадбиркорлик маданиятини ошириш кўзда тутилган:

- инноваторларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадбиркорлик билан бандлигини таъминлаш;
- бизнесни юритишдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунчилик жавобгарлигининг енгиллигини таъминлаш;
- аҳоли ўртасида тадбиркорлик ва инновация жараёнларини фаол тарғиб қилиш [3].

Юқоридагиларга кўра, Олий Таълим Муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларидаги мавжуд шарт-шароитлар ва илмий салоҳиятдан келиб чиқиб юксак самара берадиган, янги стратегик инновацион муҳитни яратиш тўғрисида сўз юритилмоқда. Фикримизча, бу янгидан ушбу муассасалар таркибида инновацион микрофирмаларни ташкил этишни тақозо этади. Афсуски, бундай инновацион тадбиркорлик микрофирмалари мамлакатимизда энди шаклланмоқда.

Жахон тажрибаси кўрсатяптики, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда айнан кичик инновацион фирмаларнинг улуши жуда каттадир, чунки микрофирмаларнинг афзаллик томонлари кўпдир. Масалан, янги шароитга тез мослашиши, ходимларнинг кам миқдорда эканлиги, таваккалчиликнинг ўзига хос оқлаши ва бошқалар. Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш инновацион тадбиркорлик туфайли амалга ошмоқда. Шунингдек, инновацион бизнес - бу келажакнинг бизнесидир, шунга кўра инновацион тадқиқотлар атроф муҳитни экологик жиҳатдан ҳимоя қилиш, энергия ва жонли меҳнат истеъмолини камайтириш, ҳом-ашё

материалларини тежаш, янги илғор технологияларни, шунингдек ахборот технологияларини яратишга имконият туғдиради. Бошқача қилиб айтганда, қандайдир янги сифатдаги истеъмол товари, яъни оригинал маҳсулот яратилади. Ўз навбатида эса, рақамли иқтисодиёт равнақ топади.

Юқоридагиларга асосан инновацион тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларининг бош асоси-инсоннинг илмий ижодини фаоллаштиришдир. Бусиз ҳар қандай соҳада инновация мумкин эмас.

Республикамызда иқтисодий ривожланишнинг инновацион концепциясини амалга оширишда асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш - Стратегиянинг бош мақсади қилиб кўрсатиб берилган [3]. Бинобарин, инсон капитали бу муайян инсондаги ўзлаштирилган билим, тажриба, кўникма ва қобилиятларнинг умумий йиғиндиси бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш давлат ва жамият ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра Стратегиянинг бош мақсадига биноан инсон капиталини ривожлантириш мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги рақобатбардошлигини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганлигини белгиловчи омилдир. Айтиб ўтиш лозимки, инсон капитали турли соҳалардаги турлича кўринишдаги тадбиркорлик фаолиятларида (жараёнларида) ўзини самарали намоён қила олади. Биз айтган ва кутган натижани беради. Шунинг учун ҳам, ҳозирги даврда инсон капитали иқтисодий ўсишнинг ва мамлакатимизни ҳар томонлама ривожланишининг омили сифатида тадқиқот этилади.

Хўп, бизда бу масалада аҳвол қандай? Агар, мисол тариқасида Олий Таълим Муассасаларини (ОТМ) оламиз. Афсуски, ҳозирги вазиятда Республикамыздаги ОТМларда инновацион тадбиркорлик билан шуғулланувчи профессор ўқитувчилар жуда озчиликни ташкил қилади. Бу соҳа билан шуғулланганларнинг кўпчилиги эса, фақат кичик хўжалик шартномасини бажариш фаолиятидан нарига ўтмайди. Шахсий манфаат билан жамоат манфаати мувофиқлаштирилмаган. Шу сабабли

олимларимизда тадбиркорлик хисси деярли йўқ даражада деб ҳисоблаймиз. Бунинг асосий сабаби, унга ундайдиган мотив етишмаслигидир.

Ўйлаймизки, ОТМлардаги бу вазият давлат аппаратида маълум. Шунинг учун, Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июль кунги Олий таълим тизимидаги устивор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида юклатилган вазифалар[6]дан келиб чиқиб, кафедралар хузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш, уларни ўқув-лаборатория жихозлари ва зарур техника билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Шунингдек, ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, қатор етук ОТМларга молиявий мустақиллик берилди.

Вахоланки, бу кўрсатмаларнинг бажарилишига сусткашлик билан қаралмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилиги, бу кўрсатмаларни бажариш ўрнига, аксарият ҳолларда ходимлар рейтинг балларини кўтариш учун ОТМ ҳисоб рақамларига маблағ туширишга мажбур бўлмоқдалар ва бугунги кунда бу билан деярли ҳамма овора. ОТМлардаги ҳозирги вазият профессор-ўқитувчиларимизни шунга мажбур қилмоқда.

Оқибатда, биз ўйлаган тадбиркорлик мухити ўзини тўла намоён қила олганича йўқ.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. ОТМлардаги мавжуд илмий салоҳият (потенциал)ни тўлиқ ҳисобга олиш зарур. Ахир бу муассасалар инновацион инфраструктураларининг ядроси ҳисобланади ва бу Республикаимизнинг алоҳида регионларини гармоник ривожланиши учун жуда катта, етакчи имконият манбаидир.

2. ОТМларда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун, мавжуд олимлар потенциалидан унумли фойдаланишнинг бозор механизмини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бошқача қилиб айтганда, яқин

вақт мобайнида ОТМда педагогик кадрларни инновацион тадбиркорликка ундайдиган “Бозор мотивациясини” яратиш зарурдир.

3. Ташкилий масалада олимларга илм соҳасида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларига биноан, илғор кафедралар таркибида янги хусусий микрофирмалар ва давлат шерикчилик асосидаги корхоналарни, технопаркларни очишга тарғибот ишларини жадаллаштириш керак.

4. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожлантиришни инновацион концепциясига биноан ОТМ раҳбарлари профессор ўқитувчиларни инновацион тадбиркорлик билан фаолият кўрсатишида ҳар томонлама уларни қўллаб-қувватлаш лозим.

5. ОТМларда инновацион жараёнлар натижаларига кўра инноватор-тадбиркорларни муносиб рағбатлантирилиши йўлга қўйилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда асосий мақсадимиз, мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибасига биноан, инновацион тадбиркорликнинг самарали ишлаши, ҳозирги замон бозор механизмини яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашр.- Т.: “Ozbekiston” нашриёти, 2022. – 147 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 декабрдаги олий мажлисга мурожаатномаси. –Т: “Ўзбекистон”, 2018.- 80 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 08.09.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 9 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 29.11.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 30 ноябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 21.09.2018 й / Халқ сўзи газетаси, 2018 й. 22 сентябрь.
6. Олий таълим тизимидаги устивор вазифалар белгиланди.//Халқ сўзи, 2021 йил, 17 июнь.
7. Ибрагимова С.М., Хусаинов Р.Р. Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари.//Иқтисодиёт ва молия. 2021, №3. 62-67 бетлар.
8. Отеулов А. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш концепцияси асослари // Бозор, Пул ва Кредит.-2018.№1.
9. Инновационная экономика Республики Узбекистан: состоянии и перспективы (учеб.пос.) - Т.: (Dono nashriyot), 2017.-298б.
10. Яров А. инсон капитали - иқтисодий барқарорлик таянчи // Бозор, Пул ва Кредит - 2020. №1.43 бет.